Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 37 (13.100)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2016 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Азал-азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, қадим аждодларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айланиб қолди.

Шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўзнинг одамзотнинг табиат билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшашида, жамиятимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини инобатга олиб ҳамда бу қутлуғ айёмни юксак савияда нишонлаш мақсадида:

1. 2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз кунларида инсон ўзини табиат билан узвий боғланганини, унинг ажралмас бир қисми сифатида ҳис этишини ифода этадиган, атроф-муҳитни, она заминни ардоқлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват қиладиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

барча шаҳар ва қишлоқларимизда бўлиб ўтадиган тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуғ инсонлар, табаррук отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож кишиларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шунингдек, профессионал ва истеъдодли эстрада ижрочиларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда фольклор санъатининг энг яхши намуналарини, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган қадимий урф-одатлар, эзгу инсоний туйғуларни тараннум этадиган мумтоз куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 19 февраль

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ҚАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Ватанимизда азалдан тараққий топган наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги сингари бетакрор халқ амалий санъати мустақиллик йилларига келиб янада сайқалланиб, такомиллашаётир.

Халқ амалий санъатининг кулоллик, мисгарлик, заргарлик, гиламчилик, каштадўзлик, кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги каби йўналишлари, ҳатто меъморлик тараққиёти замирида ҳам наққошлик санъати мужассам.

Ўзбекистон ҳудудидаги меъморий ёдгорликлар, археологик қазилмалар Ватанимизда наққошлик жуда қадимдан ривожланганлигини кўрсатади. Хусусан, Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа, Кўҳна Урганч, Айритом, Болаликтепа, Варахша, Афросиёб сингари тарихий жойлардан топилган турли хил услубдаги нақш намуналарининг жозибадорлиги аждодларимизнинг юксак маданияти ва салоҳиятидан дарак беради.

Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 31 мартда қабул қилинган "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирмоқда.

Юртимизнинг турли вилоятларидаги меъморий ёдгорликлар, идиш-буюмлар, меҳнат қуролларидаги нақшларда умумийлик кўзга ташланса-да, Бухоро, Хива, Фарғона, Тошкентнинг ўзига хос наққошлик мактаблари мавжуд. Улар ўз ранги билан фарқланади. Масалан, Фарғона услубида ёрқин рангларда, байрамона услубда нақшлар бўялади. Тошкент услуби эса рангларнинг бир-бирига яқин, монандлиги, майин ранглардан фойдаланилгани билан фарқланади. Шунингдек, тошкентлик наққошлар яратган санъат асарларида кандакори буюмлар безагида меъморий обидалар, чинни буюмлар безагида эса атоқли кишиларнинг портретлари ва бошқа тасвирлар ўз ифодасини топган.

Тошкентлик наққош Жавлон Ҳошимов етти ёшидан буён амалий санъат сирларини пухта эгаллаб, ёш авлодга ушбу ҳунар сирларини ўргатиб келаётган уста-ҳунармандлардан бири.

– Биз, ҳунармандларнинг ижодий ишларимиз юртимиз ва хориждаги кўплаб нуфузли кўргазмаларда мунтазам намойиш этилиб, қатор халқаро мукофотларга сазовор бўлмоқда, – дейди Ж.Ҳошимов. – Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароит, юксак эътибор ва ғамхўрликнинг мевасидир.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2016 йил 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ҳамда Қонунчилик палатаси Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назорати самарадорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Мажлисда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қонун устуворлигини, қонунийликни таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Судлар холислиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонунчиликнинг барча тармоқларини демократлаштириш, шунингдек, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни, тинч ва осуда ҳаётни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар, етакчи таҳлил марказлари ва хорижий мамлакатларнинг экспертлари томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Қонунчилик асослари ҳар жиҳатдан мустаҳкамланаётгани ҳамда қонунларга сўзсиз итоат этиш ва қонун устуворлиги таъминланаётгани, фуқаролар ҳуқуқий онги ўсиб бораётгани демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликнинг ривожини жадаллаштириш ҳамда ишончли ҳимоясини таъминлаш борасида бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларни давом эттиришнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Ушбу чора-тадбирлар самарали амалга оширилишида прокуратура органларининг тутган ўрни муҳимдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ уларнинг зиммасига "қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни" амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш вазифалари юкланган.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** пойтахтимизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси томонидан "Тошкент шаҳрида фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва сон ўзгаришлари" мавзуида ҳисобот конференция ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари: миллий ва халқаро тажрибалар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Учтепа туманидаги 40-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Соғлом оила" шиори остида оилавий спорт мусобақаларининг туман босқичи ўтказилади.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда давлат ва жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида "Фуқаролик жамияти ривожланишининг сон ва сифат ўзгаришлари: Сурхондарё вилояти мисолида" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

● Хоразмда халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг 2015 йилги фаолияти якунлари ва жорий йилдаги муҳим вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Наманганда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ўқув-семинар ўтказилди.

● Ўтган йили Андижон вилоятида 238 километр янги ичимлик сув тармоғи тортилиб, 28 километри реконструкция қилинди. Бу ишлар учун 30 миллиард 780 миллион сўм маблағ сарфланди.

● Нукус коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган "Очиқ эшиклар куни"да шаҳардаги 25 та умумтаълим мактаблари битирувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

● Андижонда "Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги долзарб масалаларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини янада кучайтириш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Европа Иттифоқи Кенгашининг қарорига кўра, Греция уч ой давомида ўзининг чегараларини тартибга солиши керак ёхуд ушбу давлат икки йил муддатга Шенген зонасидан чиқариб юборилади.

● Франция парламенти депутатлари террорчилик хавфи ҳамон сақланиб қолаётганлиги боис мамлакатда жорий қилинган фавқулодда вазиятни 26 майгача узайтиришни қўллаб-қувватлаб овоз беришди. Фавқулодда вазият тартибини узайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Франция сенати ҳам қўллаб-қувватлади.

● Хитойнинг Чжэцязь музофотида ғайритабиий ҳодиса рўй берди. Шифокорлар ўлик деб топган янги туғилган чақалоқ кремация жараёнидан бир неча дақиқа олдин ҳушига келди ва йиғлаб юборди.

● Жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб Абхазия ушбу мамлакат мустақиллигини тан олмаган давлатлар фуқаролари учун визасиз кириш режимини бир томонлама тартибда бекор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, мажлисда таъкидландики, мамлакатимиз Конституциясида "прокуратура органларининг Олий Мажлис Сенати олдида ҳисобдорлиги" белгиланганидек Бош прокуратура ва жойлардаги прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратининг самарали механизмини йўлга қўйиш зарур.

Парламент назоратини ҳамда прокуратура органлари фаолиятининг қонунийлигини кучайтириш зарурлиги ҳақида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида ҳам таъкидлаб ўтган эди.

Шу муносабат билан, дея таъкидланди мажлисда, ҳозирги вазият ҳамда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар парламентнинг юқори палатаси олдига прокуратура органлари фаолияти устидан назорат ўрнатишнинг янги шакл ва усулларини жорий этиш самарадорлигини ошириш бўйича долзарб вазифалар қўймоқда.

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, прокуратура органларининг мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга доир ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси Кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузиш тўғрисидаги Қўшма қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ Комиссия зиммасига прокуратура органлари фаолияти устидан, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилишининг самарадорлиги устидан мунтазам парламент назоратини амалга ошириш, прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштириш, прокуратура органлари фаолиятини тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатларини, шунингдек, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва иш усулларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилди.

Қарорда белгиланганидек, Комиссия аъзолари Сенат томонидан сенаторлар орасидан, республиканинг барча минтақаларининг вакили бўлган ўн беш кишидан иборат таркибда Сенат ваколати муддатига сайланади.

Комиссия ўз олдига қўйилган вазифалар бажарилишининг бориши тўғрисида бир йилда икки марта Сенат Кенгаши олдида ҳисоб бериши белгилаб қўйилди.

Мажлисда мазкур Комиссиянинг тузилиши билан боғлиқ ташкилий масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг Ахборот хизматлари

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

МЎЛ-КЎЛ ВА СИФАТЛИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси, Фермерлар кенгаши, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар вакиллари, олимлар, мутахассислар, ишлаб чиқарувчилар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Д.Шоумаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолини сифатли ва кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг замонавий тизими яратилганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасидан маълум қилишларича, биргина 2015 йилда бу соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бир ярим мингдан зиёд ҳудудий дастурлар амалга оширилган. Бир юз элликдан кўпроқ янги корхона ташкил этилган. Бир юз етмиш бешта корхонада модернизация ишлари амалга оширилган.

– Корхоналаримизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бир қаторда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда, – дейди Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси бўлим бошлиғи Абдулатиф Қодиров. – Бу борада тегишли стандартлар қабул қилиниб, ишлаб чиқаришда улардан самарали фойдаланилаётир. Корхоналарда сертификатлаш ишлари билан бир қаторда халқаро сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилаётгани озиқ-овқат сифати ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Давра суҳбатида озиқ-овқат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хавфсизликни таъминлаш, тўғри овқатланишни тарғиб этиш, бу соҳада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА, ЎзА мухбири

Бозорларни юрт кўрки, деймиз. Қаерники ободлигини билмоқчи бўлсанг, ўша ернинг бозорини бориб кўр, дейди доно халқимиз. Сир эмаски, кейинги пайтда пойтахт бозорлари қайта реконструкция қилиниб, сотувчи ва харидорларга бир қанча қулайликлар яратилди. Хусусан, маҳсулотларни сақлаш хоналари, автотранспорт тўхташ жойлари, йўлаклар ва расталар замонавий кўринишга эга бўлди.

ПОЙТАХТ БОЗОРЛАРИДА ТЎКИНЛИК ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган матбуот анжуманида ўтган 2015 йилда бу борада пойтахт бозорларида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилди.

"Тошбозорсавдо" уюшмаси раиси Соҳибжон Неъматуллаевнинг маълумот беришича, бугунги кунда уюшма тизимида 15 та очиқ акциядорлик ҳамда 6 та масъулияти чекланган жамият бўлиб, улар ихтисослашуви бўйича 12 та деҳқон бозори, 1 та қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори, 2 та ихтисослашган бозор ҳамда 6 та савдо комплексларини ташкил этади. Улар 21 та асосий ва 60 дан ортиқ майда шохобчаларни ўз таркибига бирлаштирган.

Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятидан йиғилаётган даромадлар йилдан йилга салмокли бўлиб бормоқда. Биргина, 2015 йилда бу кўрсаткич 130,3 млрд. сўмга етган.

Анжуманда таъкидландики, бозорлар фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, сотувчи ва харидорлар учун яратилаётган шароитларни янада яхшилаш мақсадида охирги 8 йил давомида 63,8 млрд. сўмлик янги қурилиш, қайта қуриш ва мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Йигирмадан ортиқ янги, замонавий савдо ускуналари билан жиҳозланган савдо павильонлари ва савдо мажмуалари барпо этилиб, аҳолига муносиб хизмат кўрсатмоқда. Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудида 3,5 мингдан ортиқ янги назорат-касса машиналари ва терминал билан жиҳозланган турғун савдо дўконлари, 9,5 мингдан ортиқ умумий овқатланиш шохобчалари ва маиший хизмат тармоқлари қуриб фойдаланишга топширилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишилган ҳолда бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

— Бозорларда сотувчилар хизмати учун 2 300 тадан ортиқ Давлат қиёслаш кўригидан ўтказилган комплект тош ва тарози, минг кв. метрли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақлаш омборлари, 400 тонна маҳсулот сақлаш учун махсус совутиш хоналари, 1200 тадан ортиқ юк ташиш аравачалари мавжуд, — дейди уюшма савдо бўлими бошлиғи Тўлқин Иброҳимов. — Бозорлар ҳудудида 21 та Давлат солиқ инспекциясининг, 19 та Ички ишлар бошқармасининг, 2 та Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг таянч пунктлари ва 34 та ветеринария лабораториялари ишлаб турибди.

Деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўлкўлчилигини ташкил этиш, нархларнинг асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида ҳар бир деҳқон бозори таркибида "Элга хизмат" корхоналари ташкил этилган. Ўтган 2014-2015 йиллар мобайнида ушбу корхоналар томонидан аҳолига 41,5 млрд. сўмлик арзон нархларда маҳсулотлар сотилди. Шунингдек, гўшт, тухум ва балиқ маҳсулотлари нархининг асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида чорвачилик хўжаликларига, "Паррандасаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналарга, балиқ етиштирувчи хўжаликларга бозорларнинг энг гавжум, харидорлар учун қулай бўлган жойларидан барча шароитларга эга бўлган савдо расталари ажратиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 100 та ва ундан кўпроқ турғун савдо нуқталари ва савдо ўринлари мавжуд бўлган барча бозорлар ва уларнинг шохобчаларида банк муассасалари томонидан компьютер билан жиҳозланган 81 та ғазнахоналар ўрнатилди.

Матбуот анжуманида журналистларга 2016 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

ҚАДРИЯТЛАР ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Америка, Франция сингари давлатларда ижодий сафарларда бўлганимда, халқ амалий санъатимиз маҳсуллари юқори баҳоланиб, алоҳида эътироф этилганига гувоҳ бўлдим. Кўплаб мамлакатларнинг қадимий имораторатларида миллий безакларни кўриш мумкин, аммо замонавий биноларда учратиш қийин. Биздаги барча қадимий ва замонавий иншоотлар миллий нақшлар билан безатилмоқда. Бу амалий санъатимизнинг асрлар силсиласидаги барҳаёт одимларидан далолат беради.



Ислом Исмоилов олган суратлар

Уста ҳунарманд миллий анъаналаримизга замонавийлик бағишлаш мақсадида ҳозирда турли русумдаги мобиль телефонларга ғилофлар ишлаб чиқармоқда. Бодомнусха, атласнусха, пахта гули солинган бундай ғилофлар энг сифатли ёғочдан ясалган бўлиб, нозик дидли харидорнинг ҳам ҳайратини ошириши шубҳасиз. Албатта, наққошликни ҳам ўз машаққатлари бор. Айтайлик, мобиль телефонга бир дона ғилоф тайёрлашга икки ҳафта вақт сарфланади. Иш сўнгида уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун заргар кумуш михчалар қоқиб беради.

— Бу маҳсулотларнинг дизайнини ўзим яратганман, — дейди наққош. — Яратаётган ижодий асарларимизни кимдир қувониб харид қилса ёки эътироф этса, дилимиз қувончга тўлиб, шу асарим одамларга ёқди-я, деган сурур билан юрасиз.

Миллий ҳунармандчилик ривожида "Уста-шогирд" анъаналари муҳим аҳамият касб этади. Ж. Ҳошимов уста Расул Пўлатовдан соҳа сирларини ўрганди. Шунингдек, у республика рассомлик коллежида ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида тасвирий санъат ва чизмачилик йўналишида сабоқ олиб, ўзининг салоҳиятини янада оширди.

— Бу соҳада эришган барча ютуқларим устозимнинг ўгитлари ва маслаҳатлари мевасидир, — дейди наққош. — Улар ҳамиша "Ҳунар билган инсон шогирдларга сабоқ бериб, ўз касбининг муносиб давомчисини тайёрлашдан ҳеч қачон чарчамаслиги керак" деб айтар эдилар. Бугун менинг ҳам учта шогирдим уста сифатида фаолият юритиб, амалий санъатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Бундан ташқари икки нафар кореялик шогирдим ҳам бор. Улар икки йил давомида ҳунар сирларини ўрганиб кетишди.

...Нақш яратиш – дид, маҳорат, қунт, малака маҳсули. Ижод завқи, машаққати ва қувончидир. Уста буюмга заҳмат билан нақш соларкан, унда миллий ва умумбашарий маънавият замонавий нигоҳда акс этади. Зеро, қадриятлар қадр топган диёрда яратилган амалий санъат намуналари авлодларга улуғ боболарининг бетакрор санъатидан, ўзлигидан сўзлайди.

Зиёда ВОҲИДОВА

ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН ЯНГИ ТУРАР ЖОЙ

Шу кеча-кундузда Бектемир туманининг "Истиқбол" маҳалласига йўли тушган киши бу ерда тўрт қаватли замонавий турар жой биноси қад ростлаганига гувоҳ бўлади. Ҳадемай, замонавий типда қурилаётган "Камолот" уйлари ўз эгаларига топширилади.

Дарҳақиқат, Бектемир туманининг "Истиқбол" маҳалласи ҳудудида ёш оилалар учун 2015 йилда қуриб битказилган 32 хонадондан иборат "Камолот" уйининг ёнгинасида янгиси бунёд этилмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда ёш авлодни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириладиган барча ишларга дастуруламал бўлмоқда, — дейди ушбу объектни бунёд этаётган "Star master group" масъулияти чекланган жамияти прораби Лутфулла Холмирзаев. — Юксак маънавиятли, ақл-заковат бобида тенгқурларидан илгарилаб кетаётган, катта-катта ютуқларни қўлга киритаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг меҳнат қилиш, яшаш, дам олиш шароитларини янада яхшилаш мақсадида ана шу замонавий турар жой биносини қуриб битказиш жамоамиз зиммасига юклатилган. Айни пайтда қурилиш объектида 70 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Бинонинг фасад қисми ва ичкарисида сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказиляпти. Эшик ва дераза рамлари, газ плитаси, иситиш мосламаси, пол қопламалари ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот бўлиб, сифат бобида хорижникидан асло қолишмайди.

Дарҳақиқат, янгидан қурилаётган ушбу бинонинг ўрни ташландиқ ва қаровсиз майдонча эди. Ёш оилалар дид ва эҳтиёжига мослаб лойиҳалаштирилган бино кўп ўтмай фойдаланишга топширилади. Бино атрофидаги йўлакчалар кўкаламзорлаштирилади. Энг муҳими, узоқдан кўркам ва замонавий бўлиб кўзга ташланадиган янги турар жой биноси маҳалла аҳлини ҳам қувонтирмоқда.

Ҳулкар КУЗМЕТОВА

Яккасарой тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2016 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон 97-модда), Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон 333-модда, 2010 й., 13-сон 96-модда, 2011 й., 1-2-сон 4-модда, 2012 й., 44-сон 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2016 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларини белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2016 йил 14 январдаги баённини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Яккасарой туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 130 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 1390 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларни тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Яккасарой туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2016 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2015 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2016 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Ш.Муҳаммедов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Яккасарой туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (И.Алимов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Яккасарой туман тармоқ администратори (Ш.Ахмаджонов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yakkasaroy.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Яккасарой туман ҳокимининг ўринбосари Н.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Яккасарой тумани ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи С.Кадыров

2016 йил 19 февраль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.



Бугунги кунда экологик инқироз ва хавфсизликнинг олдини олишда аҳолининг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик-ҳуқуқий таълими ва тарбияси, экологик-ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини замон талаби асосида ошириб бориш экологик хавфсизликни ҳал қилувчи омилларидан биридир.

ЗАМОНАВИЙ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ — ДАВР ТАЛАБИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларимизнинг экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияси масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, 30 дан ошиқ экологик йўналишдаги қонунлар ва 1000 га яқин қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий манбаларнинг асосий мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик илм-фанни ривожлантириш, экологияга оид билимларни кенг тарғиб қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва қайта тиклаш, табиатдан фойдаланишни бошқариш тизимининг самарали иқтисодий механизмини жорий этиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф табиий муҳитни сақлашни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши жамиятимизда экологик-ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ҳамда унинг узлуксизлигини таъминлашда замонавийлик ва хорижий тажрибаларидан кенг фойдаланишни ҳам тақозо этади.

Ушбу талабларни аввалambор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида "...ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга" эканлиги, 50-моддасида "Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар" ҳамда, 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб кўрсатилганлиги бугунги кунда ёшларимизга экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбияни олиб боришнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Ушбу муаммоларни ҳозирги кун талаби даражасида олиб боришни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ҳам ўзида мужассамлаштиради.

Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сонли қарори асосида қабул қилинган, 2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар Дастури мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал қилиш борасида катта аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳужжат бўлди.

Ушбу Дастурда, атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиш, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларида таълим соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меъёрий-услубий базани ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Экологик таълим ва тарбия асосан: оилада, мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, лицей, коллеж, институт ва университетларда олиб борилади.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир оилада ўсиб-улғаяётган ёшларимиз мустақил давлатимизнинг экологик сиёсати ҳамда унинг мазмунини, ҳуқуқий-экологик муаммолар ҳамда уларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий-иқтисодий томонларини яхши билишлари, чуқур ҳуқуқий-экологик билимларга эга бўлишлари ва жамият фаолиятининг ҳуқуқий-экологик соҳасида фаол қатнашишлари зарур бўлади.

Мазкур жараёнлар ёшларимизнинг "Экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбиясини замон талабида бўлишини ҳам тақозо этади. Умуман олганда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш жараёни. экологик-ҳуқуқий онги ва маданият билан кўпроқ боғлиқ бўлиб, у: **биринчидан,** экологик-ҳуқуқий билим, яъни инсоннинг табиат, жамият тўғрисидаги, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммолар, табиат билан боғлиқ қарашлар ҳамда урф-одатлар тўғрисидаги тасаввур ва кўникмалар йиғиндиси; **иккинчидан,** атроф-муҳит ва экологияга бўлган муносабат, яъни ҳозирги кундаги экологик муаммоларга нисбатан бефарқ бўлмаган, табиий муҳитнинг ёмонлашувига қарши бўлган ва уни бартараф этиш йўллари ҳамда чораларини топишга тайёрлик; **учинчидан,** экологик-ҳуқуқий хатти-ҳаракат, яъни ҳар кунги экологик хулқ-атвор элементларини ўз ичига олади.

Оилада экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг олиб борилиши ёшларни табиатга, атроф табиий муҳит ва унинг бойликларини севишга, муҳофазалаш ҳамда бундан оқилона фойдаланишдаги дастлабки экологик-ҳуқуқий онгини, тафаккурини ҳамда тушунчаларини шакллантиришга ёрдам беради. Мактабгача бўлган муассасаларда экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг олиб борилиши эса, ёш болаларни оилага нисбатан экологик-ҳуқуқий онги, тафаккурининг анча шаклланганидан далолат беради.

Шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида олиб бориладиган экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбия жараёни, ёшлар ҳаётида асосий ҳал қилувчи босқичлардан биридир. Мамлакатимизда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг бунёд этилиши ҳамда замон талаби даражасидаги реконструкция қилиниши ёшларимизга янги замон талаби доирасидаги экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбия жараёнини эгаллашга ёрдам беради.

Бу даврда ёшларимиз экологик қонунлар ва уларнинг моҳияти ҳамда мазмунини кенгроқ ўрганадилар, шунингдек, олган билимларини амалиёт билан боғлаш имкониятига ҳам эга бўладилар. Олий ўқув муассасаларида ёшларимиз бевосита аниқ йўналиш ва мутахассисликларга эга бўлиб, экологик-ҳуқуқий билим савияларини ўз соҳалари асосида ўзлаштирадилар.

Магистратура ва аспирантура жараёнида эса аниқ мутахассис бўлган, чуқур экологик-ҳуқуқий билим савияга, маънавият ва маданиятга эга бўлган ёшларимиз ҳаёт ва илм-фан йўлидаги кўплаб ижобий ишларни амалга ошириб, илм-фан соҳасида магистрлик ва докторлик диссертациясини ҳимоя қиладилар.

Юқоридагилар шуни кўрсатмоқдаки, ёшларга доимий равишда экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбияни олиб боришда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, ёшларда экологик-ҳуқуқий таълим-тарбиянинг узлуксизлигига, чамбарчас олиб борилиши ва ўқитилишига ҳамда оилада олинган экологик-ҳуқуқий билимларнинг самарадорлигига эришиш;

иккинчидан, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги қонунларига ёшларга экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбия бериш билан боғлиқ талабларни киритиш ҳамда унда оиладаги экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбия олиб бориш жараёнини алоҳида кўрсатиш;

учинчидан, ёшларга экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбия бериш соҳасида тегишли вазирлик, қўмита ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;

тўртинчидан, қабул қилинган экологик қонун талабларини ҳамда уларнинг моҳиятини аҳолига ва ёшларимизга кенгроқ тушунтириш;

бешинчидан, халқаро стандартларга мос ҳар томонлама экологик-ҳуқуқий билим бера оладиган замонавий янги авлод дарсликларини яратиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, ҳозирги экологик муаммолар кескинлашиб бораётган глобаллашув шароитида уларни ҳал қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиат бойликларини келажак авлодга қолдириш, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, бу мақсадда экологик қонунчиликни такомиллаштириб бориш, экологик-ҳуқуқий таълим-тарбияни янада кучайтириш устувор вазифамиз бўлиб қолади. Бу эса, мамлакатимиздаги мавжуд табиий бойликларни келажак авлод учун бус-бутун қолдиришга, уларни асраб-авайлашга, эъзозлашга, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга ҳамда соғлом она ва боланинг узоқ яшаши учун хизмат қилади.

Дурбек МАҲКАМОВ,
ТДЮУ "Экология ва аграр ҳуқуқи" кафедраси мудири,
юридик фанлари номзоди
Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,
ушбу кафедра профессори,
юридик фанлари доктори

ДОВ-ДАРАХТЛАР ДОИМИЙ ҲИМОЯ ОСТИДА

Тошкент шаҳрининг умумий майдони 34,8 минг гектардан иборат бўлиб, шундан фойдаланиладиган майдон 7 минг, кўкаламзорлаштирилган майдон эса 15,2 минг гектарни ташкил қилади.

Пойтахтимизда 220 турдан ортиқ дарахт ва буталар ўсади. Шаҳарни ободонлаштириш ва яшил ўсимликларни кўпайтириш учун бир йилда икки маротаба, яъни баҳор ва куз фаслларида оммавий равишда дарахт кўчатларининг экилиши учун Тошкент шаҳри ҳокимининг "Тошкент шаҳри ҳудудида кўчатларни экишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишига асосан кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Тошкент шаҳридаги дарахтларнинг кенг тарқалган турлари игна баргли қарағай, қора арча, эман, қайрағоч, қора қайин, катальпа, шарқ чинори ҳисобланади.

Шунингдек, шаҳримиз истироҳат боғлари ҳамда дам олиш хиёбонларида бошқа давлатлардан олиб келтирилган экзотик ўсимликлар турлари сони жуда кўп (лола дарахти, магнолия, липа, ўткир баргли заранг, америка шум толи, қоғоз дарахти, гинко, япон сафораси, самшит, кипарис ва бошқалар).

Ҳар бир аҳоли жон бошига тўғри келиши керак бўлган кўкаламзорлаштириш меъёри 50 кв. метрни ташкил этгани ҳолда Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 69 кв. метрдан иборат.

Ўзбекистон пойтахтининг қуруқ ва иссиқ иқлимига қарамасдан, Тошкент шаҳрининг кўкаламзорлаштириш даражаси бугунги кунда Санкт-Петербург, Пекин, Москва, Сиэтл каби йирик шаҳарлардан 2-3 маротаба ортиқ.

Яна бир эътибор берилиши керак бўлган масала, бу – экоархитектура бўлиб, Эски шаҳар ҳудудини қайта қурилиш, яъни Беруний кўчасидан Чиғатой дарвоза, Сариқ сув, Қорасарой кўчалари бўйлаб янги автомобиль ҳалқа йўлининг қурилиши, Анҳор (Бўз сув) канали қирғоғининг Навоий кўчасидан "Шаҳидлар майдони"гача бўлган қисмини тубдан яхшилаш ва ободонлаштириш, Чоштепа кўчасининг замон талабларига жавоб берадиган даражада кенгайтирилиши муносабати билан кенг кўламдаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

2015 йил давомида шаҳримиздаги дов-дарахтларнинг кесилиши билан боғлиқ бўлган 1000 га яқин келиб тушган мурожаатлар Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари томонидан ўз вақтида ўрганиб чиқилган. Бундан ташқари, қўмитанинг Ишонч телефони орқали юзга яқин шундай мазмундаги мурожаатлар қабул қилинган.

Бу эса, халқимизнинг она табиатни севиши ва унга бефарқ эмаслигидан далолат беради.

Лекин, дарахтларнинг кесилиши масаласини жойида ўрганмасдан ёки суруштирмасдан туриб, асоссиз равишда қилинаётган шикоятлар ҳам учраб туради. Ўз навбатида қўмитамиз давлат инспекторлари томонидан ўсимлик дунёсидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш доимий равишда қатъий назорат остига олинган.

Ҳозирги кунда баъзан Тошкент шаҳридаги дарахтларнинг айримларининг ўзўзидан ёки бошқа сабабларга кўра қуриб қолаётганлиги ёки табиий зараркунандалар ва касалликлар таъсирида ўз манзарали кўркини йўқотаётганлиги, шу сабабдан шоҳ кўчаларимиздаги дарахтларнинг автомобиллар устига синиб тушиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бунда айрим соғлом дарахтларнинг синганлик ҳолатлари мутахассисларни ҳайратга солмоқда.

Ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил 20 октябрда "Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида" 290-сонли қарор қабул қилинган бўлиб, қарор талабларига мувофиқ юртимизда бир қанча саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жойлардаги туман ҳокимликлари томонидан дарахтларни кесиш учун аризалар қабул қилиниб, сўнгра уларга тегишли хулосалар бериш учун Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига юборилади.

Дов-дарахтларни сақлаб қолиш имкони бўлмаган тақдирда туман ҳокимликларига хулосалар киритилади. Сўнгра туман ҳокимликлари томонидан ушбу дарахтларнинг кесилиши юзасидан тегишли қарор қабул қилинади.

Бизнинг ўз олдимизга қўйган энг асосий мақсадимиз, Тошкент шаҳридаги ҳар бир дов-дарахтга шикаст етказмаслик ҳамда уларнинг ноқонуний кесилишининг олдини олишдир, шундагина биз ўсиб келаётган келажак ёш авлодга соф мусаффо ҳаво ва она табиатимизнинг гўзал манзараларини асллигича қолдирган бўламиз.

Шаҳло АБДУЖАЛИЛОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш гуруҳи мутахассиси



ҚАРОР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

"Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги "Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" 2014 йил 27 октябрдаги 295-сонли қарор қабул қилинган.

Мазкур қарор билан Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Ушбу Низомнинг амал қилиш фаолияти чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, сақлаш, ташиш, қўмиш, қайта ишлаш, утиллаштириш ва сотиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларга татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2014 йил 30 октябрдаги 223-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2014 йил 31 октябрдаги 169-сонли буйруғи қабул қилиниб, чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Экологик ҳолатнинг яхшиланишига чиқиндиларни қайта ишлаш ва утиллаштиришга ихтисослашган корхоналарнинг ҳам катта ҳиссаси мавжудлигини эътиборга олган ҳолда, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Тошкент шаҳрида чиқиндиларни қайта ишлаш ва утиллаштириш фаолияти билан шуғулланувчи 66 та корхоналар вакиллари иштирокида кенгайтирилган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир давомида иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 октябрдаги 295-сонли қарори билан тасдиқланган Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом билан тартибга солинган масалалар тўғрисида тўлиқ ахборот берилди.

Протокол қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида чиқиндиларни қайта ишлаш ва утиллаштириш фаолияти билан шуғулланувчи 66 та корхоналар йилнинг ҳар бир чораги якунига кўра ўзлари томонидан қайта ишланган чиқиндилар ҳажми тўғрисида махсус шаклга мувофиқ Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига маълумот тақдим этишлари белгилаб олинди. Ушбу корхоналар томонидан топширилган ҳисоботларга кўра 2015 йилнинг 12 ойида жами 190 804,96 тонна турли чиқиндилар қайта ишланиб, истеъмолга чиқарилган бўлса, таркибида симоб токсик моддаси бўлган 404 613 дона энергияни тежовчи лампалар демеркуризация қилиниб, 614 862,74 тонна маиший чиқиндилар махсус полигонларда зарарсизлантирилди.

Бу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Жамшид ИШЧАНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлим бошлиғи

Тадбирлар

САОДАТ МАКТАБИ

Февраль ойи улуғ саналарга бой ой ҳисобланади. Чунки бу ойда мутафаккирларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган анжуманлар, тадбирлар, давра суҳбатлари ва ижодий кечалар ўзига хос равишда байрамона кайфиятда ўтказилди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ўтказилган бадиий кеча "Шарқнинг буюк шоири, мутафаккири ва давлат арбоби" деб номланди.

Тадбир Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар Кенгаши ва "Ўзбекистон — Иордания" дўстлик жамияти ҳамкорлигида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант лойиҳаси режаси асосида уюштирилди.

Унда Республикамизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, Навоийшунос олимлар, шоирлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар, мамлакатимизда буюк аллома ва мутафаккирларнинг ижодий меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш, асарларида илгари сурилган эзгу ғояларни кенг оммага тарғиб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Адабий кечада Навоий асарларидан намуналар ўқилди, шеърлари билан айтиладиган мумтоз қўшиқлар ижро этилди. Талабалар томонидан алломанинг ҳаёти ва ижодига оид асарлардан парчалар намойиш этилди.

* * *

Учтепа туманидаги 16-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам ўзбек халқ чолғулари бўлими томонидан уюштирилган ҳисобот концерти Навоий ва Бобур таваллудига бағишланди.

Тадбирда ўқувчилар Навоий ғазаллари билан айтиладиган "Кеча келгумдир дебон", "Отмагай тонг", "Қаро кўзум", Бобур ғазали билан айтиладиган "Келубдур" қўшиқларини маромига етказиб ижро этдилар.

Жумладан "Фарғонача", "Жон Ўзбекистон", "Роҳат", "Том бошида тоғора", "Чилдирма", "Сўзсиз қўшиқ" каби куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар йиғилганларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Севимли санъаткорлар Толибжон Мўминов ва Нигина Анорбоева томонидан ижро этилган саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди.

* * *

Пойтахтимиздаги 287-мактабда бўлиб ўтган тадбир юқоридаги мавзуга бағишланди.

Тадбирда мактаб ўқитувчилари, ўқувчилар, ота-оналар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Буюк мутафаккирларимизнинг бетакрор шеърияти, инсонларни комилликка ундовчи асарлари ёш авлодни она юртга муҳаббат ва истиқлол ғояларига ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга, — дейди 287-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Матлуба Юнусова. – Улуғ алломаларимиз қолдирган нодир асарлар, маърифатга ошно этадиган китоблар фарзандларимизни одилона, оқилона фикр юритишга ўргатади. Ёшлар китоб ўқиш, уни теранроқ англаш ва ҳис этиш орқали камол топади. Аждодларимизнинг беназир асарларининг мазмун-моҳиятида инсоний фазилатларни шакллантириш каби эзгу мақсадлар мужассам. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши ёш авлод онгу шуурида гўзал хислатларни уйғотади ва уларни яхшиликка ошно этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Тадбир доирасида "Алишер Навоийнинг ҳайратомуз ихтиролари" мавзуидаги очиқ дарс ишланмаси ҳам йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Ўқувчилар томонидан куйланган дилрабо куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар ва саҳна кўринишлари тадбирнинг мазмун-моҳиятини ошириб берди.

Гулнигор САТТОРОВА

ЛИЦЕЙДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Тошкент Давлат тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда ёшларга ўзлари танлаган соҳа бўйича замонавий билим бериш билан бир қаторда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий-маърифий онгини ошириш масалаларига ҳам муҳим эътибор қаратилади.

Жумладан, академик лицейда бу борада учрашувлар, турли мавзулардаги давра суҳбатлари, долзарб мавзулардаги фильмлар намойишлари тез-тез ўтказиб турилади.

Куни кеча лицей раҳбарияти, гуруҳ раҳбарлари ҳамда ўқув муассасаси ўқувчилари иштирокида яна бир маърифий тадбир ўтказилди. Йиғилганлар "Қиёматга қолган қарз" фильмини томоша қилишди.

Ушбу фильмда турли хориж давлатларига пул топиш мақсадида бориб, ватанфурушлик ва хоинлик йўлига кирган кимсаларнинг аччиқ қисматлари ва бунга кенг жамоатчилигимизнинг муносабати ҳақида ҳикоя қилингани боис у ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

— Ватан саждагоҳ каби муқаддас, деб бежиз айтилмаган, — дейди бу ҳақда академик лицей директори Анвар Шермуратов. — Бошқа давлатларда қўпорувчилик фаолияти билан шуғулланаётган, одамийлик қиёфасини йўқотган ватангадо кимсаларнинг аҳволи албатта вой бўлади. Энг ачинарлиси, одамларнинг бир-бирига нисбатан лоқайдлиги туфайли ана шундай аянчли ҳолатлар юзага келмоқда. Бунинг олдини олиш учун ҳаммамиз якдиллик билан кураш олиб боришимиз керак.

Фильм муҳокамасида сўзга чиққан ўқитувчи ва ўқувчилар ҳам долзарб мавзуга ўз муносабатларини билдиришди.

Даврон НУРМАТОВ

Спорт янгиликлари

ЎЗБЕКИСТОН — ОСИЁДА ИККИНЧИ

Ниҳоят пойтахтимизда футзал бўйича уюштирилган XIV Осиё чемпионати якунига етди.

Кеча "Ўзбекистон" спорт мажмуасида Ўзбекистон ва Эрон терма жамоалари ўртасида финал учрашуви ўтказилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, эронликлар нафақат Осиёда, балки дунё мамлакатлари футзал терма жамоалари орасида жуда кучли ўйин намойиш этишади ва фақат совринли ўринлар учун кураш олиб боришади. Буни Тошкентда бўлиб ўтган қитъа биринчилигида Эрон терма жамоасининг эришган ғалабалари ҳам яққол исботлаб турибди. Ана шундай кучли терма жамоага қарши бош соврин учун кураш олиб борган Ўзбекистон терма жамоаси айтиш жоизки, рақибга муносиб қаршилик кўрсата олди. Учрашувда дастлабки голни ҳам футзалчиларимиз рақиб дарвозасига киритишди. Дилшод Ирсалиев гол муаллифи бўлди. Аммо, тажрибали эронликлар ҳисобни тенглаштиришди. Тенгма-тенг курашлар остида кечган баҳсда рақибларимиз яна гол уриб ҳисобда олдинга ўтиб олишди. Футзалчиларимиз ҳисобни тенглаштириш учун астойдил ҳаракат қилишди, рақиб дарвозасига ҳужумлар уюштиришди. Аммо, ўйин охиригача 2:1 ҳисоби ўзгармай қолди. Шундай қилиб Эрон яна Осиё чемпионлигини тантана қилган бўлса, Ўзбекистон терма жамоасига кумуш медаллар насиб этди.

Нуфузли турнирнинг учинчи ўрини учун Таиланд ва Вьетнам терма жамоалари ўртасидаги беллашув 8:0 ҳисобида таиландликларнинг ғалабаси билан якунланди.

Шунингдек, Колумбияда ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмаси учун Австралия ҳамда Қирғизистон терма жамоалари ҳам кураш олиб боришди ва ўйин 3:1 ҳисобида австралияликларнинг ғалабаси билан якунланди.

Ярим финалда Эрон Вьетнам терма жамоасини 13:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ўзбекистон — Таиланд терма жамоалари ўртасидаги иккинчи ярим финал баҳсида 2:2 ҳисоби қайд этилди. Пенальтилар сериясида эса Феруз Фахрутдинов, Дилшод Ирсалиев ва Константин Свиридовлар рақиб дарвозасини аниқ нишонга олишди. Терма жамоамиз дарвозабони Клим Тюгаев эса рақиб зарбасини қайтарди.

Шундай қилиб Осиё чемпионатида муносиб қатнашиб совринли ўринларни қўлга киритган Эрон, Ўзбекистон, Таиланд терма жамоалари ҳамда Вьетнам ва Австралия терма жамоалари Колумбияда уюштириладиган жаҳон чемпионатида қитъамиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлишди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Ўзбекистон терма жамоаси ўйини кучайгани ҳамда қитъада етакчилар қаторида эканлиги сабаб жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ушбу муваффақият билан футзалчиларимизни муборакбод этган ҳолда жаҳон чемпионатида ҳам ажойиб ғалабаларга эришишларига тилакдошмиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўтган йилги футбол мавсумини олий лигада пойтахтимиз вакили "Пахтакор" жамоаси чемпион сифатида якунлаган бўлса, Қаршининг "Насаф" клуби Ўзбекистон Кубоги соҳиби бўлган эди.

МАРРА САРИ ЯНА БИР ОДИМ

"Бунёдкор" стадионида Қаршининг "Насаф" ҳамда Тошкентнинг "Пахтакор" жамоалари ўртасида Ўзбекистон суперкубоги учун беллашув бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, янги мавсумга ҳар икки жамоа жиддий тайёргарлик кўряпти. Жамоалар таркибини кучайтиришга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Шу боис Ўзбекистон суперкубоги учун баҳсда ҳар икки жамоа мураббийлари ўз футболчиларининг жисмоний ва руҳий ҳолатларини яна бир карра синовдан ўтказиб олиш имкониятига эга бўлишди.

Ўйин қизиқарли, кескин ва тенг курашлар остида кечди. Артур Геворкян томонидан киритилган гол "Насаф"га 1:0 ҳисобидаги ғалабани тақдим этди.

Ушбу беллашув бошланаётган Осиё чемпионлар лигаси турнири олдидан "Пахтакор" учун ҳам, суперкубок соҳиби "Насаф" учун ҳам тайёргарлик вазифасини ўтайди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ





Темур Мамедминов олган суратлар

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Кураш бўйича бу галги Ўзбекистон чемпионати беллашувлари қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрида ўтказилди.

Республикамизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган уч юз нафардан зиёд иштирокчилар мамлакатимизнинг энг сара полвонлари қаторидан ўрин олиш мақсадида ўзларининг куч ва маҳоратларини намойиш қилишди.

Таъкидлаш жоизки, мусобақанинг сўнгги куни оғир вазнли курашчилар иштирокида ўтгани боис жуда қизғин ва шиддатли баҳсларга бой бўлди.

Дастлаб 90 килограммгача вазн тоифасида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Унда сурхондарёлик Бекзод Бойкелдиевга тенг келадиган спортчи топилмади. Шундан сўнг 100 килограммгача бўлган полвонлар гиламга чиқди. Бу баҳсларда бухоролик Эркин Дониёровнинг қўли баланд келди. Ниҳоят, энг оғир вазнли курашчилар орасида пойтахтимиз вакили Муҳсин Ҳисомиддинов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқорисидан ўрин эгаллади.

Беларусь пойтахти Минск шаҳридаги спорт саройида бокс бўйича XIV бор ташкил этилган халқаро турнирда вакилларимиз биттадан олтин, кумуш ва бронза медалини қўлга киритишди.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мазкур йирик мусобақанинг ҳал қилувчи баҳсида оғир вазнли спортчимиз Рустам Тўлаганов (-91 кг.) мезбонлар вакили Сергей Корнеевни мағлуб этиб, олтин медалга сазовор бўлди. Бу жангда ҳамюртимиз рақибидан кўра анчайин аниқроқ ва фаолроқ ҳаракат қилди.

Шунингдек, турнирнинг ярим финалига қадар етиб борган Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг.) мезбонлар вакили Дмитрий Асановга имкониятни бой бериб бронза медали билан чекланган бўлса, Шаҳрам Фиёсовга (-69 кг.) беларуслик Павел Костромин билан кечган финал баҳсда бироз омад етишмади ва кумуш медаль билан тақдирланди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Айни кунларда пойтахтимизда "Соғлом она ва бола йили" муносабати билан корхона, ташкилот, муассасалар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида "Соғлом оила" шиори остида спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

САЛОМАТЛИК МЕЗОНИ

Ана шундай мусобақалардан бири Шайхонтоҳур туманидаги 41-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида юксак савияда ўтказилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарорига мувофиқ ўтказилаётган бундай тадбирлар инсонларни спортга бўлган иштиёқини янада ошириш билан бирга, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, ёшларни спортга жалб этишга ҳамда спортнинг оммавийлигини оширишга хизмат қилади.

Тадбирнинг очилиш маросимида тумандаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган спортчи қизларга Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Президент совғалари тақдим этилди.

Спорт мусобақаларида таълим, фан, маданият, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар кўрсатиш, тиббиёт, транспорт йўл ва капитал қурилиш индустрияси, агросаноат ва алоқа ходимларининг оилавий спорт жамоалари гуруҳидан тузилган ота-оналар ҳамда уларнинг 8-12 ёшли фарзандлари иштирок этди.

– Бундай тадбирлар аҳоли ва уларнинг оила аъзоларини спортнинг оммавий турларига қизиқтириш, йўналтириш ва шакллантириш орқали меҳнат самарадорлигини оширишга ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга чорлайди, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Дилнора Ўлмасова. – Шунингдек, истиқболи порлоқ ёш авлодни болалигидан бошлаб спорт билан ошно қилиш, уларнинг қалбида спортга ҳавас ва меҳр уйғотиш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Иштирокчи жамоалар, "Чаққонлик ва мерганлик", "Тезлик ва эпчиллик", "Бир жамоа эстафеталари", арқон тортиш мусобақаси, "Моҳир ҳужумчи" "Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни бошлаймиз" каби шартлар бўйича ўзаро куч синашдилар.

Спорт мусобақаларида Собировлар оиласи "Энг чаққон оила", Пирматовлар оиласи "Ғалабага бўлган интилиши юксак оила", Нурматовлар оиласи эса, "Энг фаол оила" номинацияларида ғолиб деб топилди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Тадбирлар

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Сергели тумани ёшлари ўртасида ижтимоий маънавий муҳитни янада соғломлаштириш мақсадида 3-умумий ўрта таълим мактабида "Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш" мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирни ўтказишдан мақсад вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда ёшларни диний экстремизм ва ақидапарастлик каби бузғунчи ғоялар таъсиридан асрашга қаратилди.

Таъкидлаш ўринлики, ёшларни сиёсий-ҳуқуқий ва диний-маърифий дунёқарашларини шакллантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишнинг аҳамияти катта.

Тадбирда ҳамкор ташкилотлар вакиллари Сергели туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси котиби Улуғбек Умаров, туман Ички ишлар бошқармаси вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори Баҳтиёр Эшмирзаев, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси мутахассиси Бекзод Султонов, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Баҳодир Хаитматовлар томонидан мавзу юзасидан маълумотлар берилиб, фикр-мулоҳазалари тингланди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар

Олмазор туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Чилонзор туман 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Юнусобод туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сергели туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Юнусобод туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;

2. Паспорт нусхаси;

3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;

4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;

5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);

7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2016 йил 15 март). Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Сайилгоҳ кўчаси, 5. Телефонлар: (0-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Қатралар

СУПУРГИ ВА ТОШ

Майдончани шитоб билан ораста қилаётган супурги йўлда тошга юзланди. Тош унга рўйхуш бермай:

— Супурги, атрофимни тозаламасанг бўларди, — деди.

— Нега энди, тозаликка қаршимисан? — ажабланди супурги.

— Қарши эмасман-ку, кўпларнинг кўзига яққол ташланиб қоламанда, кейин мени безовта қилишади.

— Тўғри, гапингда жон бор, чинни чироқ бўлгач, майдон узра хиралигинг ҳам яққол кўриниб қолади-да. Бунинг иложи бор, — деди қўл ва тошни ахлатлар уюмига улоқтирди.

Элга хизмат қилмай писиб ётган худбиннинг аҳволи шундай бўлади.

ОТАМ ХИСЛАТИ

Ажойиб хислатингиз бор эди, отажон. Ёз чилласида қўшни дехқонни офтоб уриб, тўшакка ётқизди. Экинлари эса чилла сувига зор бўлди. "Бизники қарқара бўлиб ўсса-ю, уники қовжираб қолса инсофданми?" деб туни билан экинига сув тарадингиз. Ёнингизда фонар ёқиб юрганман. Бўлмаса, у бошида сизга қанча дашном берган эди. Тунда сувингизни бўғиб, ўз пайкалига оқизган. Ишингизга иш қўшган. Қойилман, уялтирдингиз уни. Дилидаги сизга бўлган совуқ музини яхшилик нури билан эритдингиз.

Гоҳ ғурурга берилиб, одамларнинг яхшилигини унутгудек бўлсам ўша воқеа ёдимга тушади, юрагим ларзага келади. Сиз-ку ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қилгансиз. Мен эса... сиздаги тоғдек сабру қаноат менга ҳам насиб қилармикин, деган ўйдаман?

ГУМОНСИРАШ

Тандирга ёпилган нон қизармасданоқ оқиб туша бошлади.

— Тафтимда яхши оқарди-ку. Нега сени ушлай олмай оқиб тушяпти нон. Эскиб қолгандирсан, — деди олов тандирга.

— Яқинда қурилганман-ку. Тафтинг керакли маҳалда пасайиб қолдиёв. Балки шундандир, — бўш келмади тандир ҳам.

— Ҳамма айб зуваламни яхши пишитмаган қўлдаку, — деди нон лаб-лунжини осилтириб чўғ устига тушаркан, — бир-бирингизга гумонсираб айб қўйганингиз ортиқча.

БЕҒУБОРЛИК

Адирнинг соф ҳавоси, гиламдек тўшалган ўт-ўлан кўзга қувонч, дилга ором беради. Ногоҳ бир кўлмак ёнидан ўтдиму кайфиятим ўзгарди. Кўлмакнинг қорамтир юзида чивин, пашшалар базми. Юз, бўйнимга қўндирмай ижирғаниб, ҳайдайвераман, ҳайдайвераман...

Томоғимга бир нарса тиқилгандек бўғиламан. Юрагимнинг бир четига ғубор инади. Мени биров ҳақорат қилмаса, урмаса ё камситмаса... Шунга шунчами?!

Кўлмакдан хиёл нарида ариқчада сув оқарди. Кетмонча топиб озроғини кўлмакка бурдим. Беғубор тўлқинлар моғор босган сувни экинзорга ҳайдади. Тўлқинлар унигина эмас, дилдаги ғуборимни ҳам ҳайдаган эди.

ҲАРАКАТ

— Кўпроқ юришга дангасалик қилиб, менга эртароқ суяндинг. Маслаҳатим: менга жудаям суяниб қолма, жонингни авайла, — оёққа ачинди ҳасса.

— Сенга барибир эмасми, — сўради оёқ.

— Қандай суянишинг менга-ку барибир. Бироқ тузукроқ ҳаракат қилиб кўпроқ ўзингга суянсанг узоқроқ яшайсан-да.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

21-23 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **23 февралда** Тошкент шаҳрида **23 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ